



ҲАЁТ СУГУРТАСИНГ АҲОЛИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯСИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ

Баратова Динора Алишеровна

Тошкент давлат иқтисодиёт университети "Молия бозори ва сугурта иши" кафедраси доценти

email: gulzoda20@mail.ru

ARTICLE INFORMATION	ABSTRACT
Volume: 1 Issue: 7 DOI: https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss7/a5	<i>Мақолада ҳаёт сугуртасига таъриф ва унинг асосий хусусиятлари, ижтимоий ҳимоядаги ўрни ҳақида маълумот берилган. Ҳаёт сугуртасига тегишили бўлган солиқ имтиёзларининг бекор бўлиши натижасида сугуртага бўлган тарабнинг тушшиб кетиши билан боғлиқ муаммолар, ҳаёт сугуртаси таромоги бўйича келиб тушган сугурта мукофотлари таълими ва ушбу таромоҳи ривожлантиришига қаратилган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.</i>
KEYWORDS	<i>Сугурта, сугурта бозори, ҳаёт сугуртаси, сугурта мукофоти, сугурта тўловлари, сугурта жавобгарлиги, жамеарий бориладиган ҳаёт сугуртаси, ҳаёт сугуртаси компаниялари, сугурта класслари</i>

Кириш (Introduction/Введение).

Хозирги кескин ривожланиш ва ракамлаштириш даврида жамиятимизда моддий ва маънавий турларга хос бўлган рисклар ва йўқотишларни гувоҳи бўялпмиз. Бундай йўқотишлар эса жамиятимизда маълум муддат ўзининг асоратини колдирмай кўймайди. Мисол учун пандемия даврида ковид 19 вирусининг тарқалиши қанчадан канча инсонларнинг ҳаётига нукта кўйди ва юзлаб инсонларнинг соглигига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Тошкент шаҳар Сергили туманида бўлган баҳтезиз ходиса натижасида қанчадан канча инсонларнинг мулкига, соглигига зарар етказди. Шу билан бирга иқтисодиёт соҳада фаолият олиб бораётган шахсларнинг фаолиятида ҳам турли салбий оқибатларнинг юзага келиши тадбиркорларнинг молиявий танг ҳолатига келтириб кўймоқда. Худди шундай йўтишларнинг салбий таъсирини камайтириш учун сугурта фаолиятининг жамиятда кўламини кенгайтириш маълум бир маънода ижобий натижা беради.

Сугурта деганда юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган сугурта мукофотларидан шунингдек сугурталоччининг бошқа маблагларидан шакллантириладиган пул фондлари хисобидан муайян воеа (сугурта ходисаси) юз берганда ушбу шахсларга сугурта шартномасига мувофик сугурта товоонини тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя килиш тушунилади. Мустакилликка эришганимиздан сўнг мамлакатимизда сугурта фаолиятини конуний тарзда йўлга кўйиш максадида “Сугурта тўғрисида”ги конун қабул килинди. Бу сугурта фаолиятини конуний йўлга кўйиш бўйича кўйилган илк қадамлардан бири бўлиб, хозирги кунгача бу соҳада турли ислоҳотлар олиб борилиб, соҳа ривожини таъминлашга қаратилмоқда. Сугурта бозори фаолияти бўйича эришилган натижалар бевосита мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар билан боғлиқ. Негаки, тизимдаги ўзгаришлар ва татбиқ этилаётган янги хизмат турлари унинг иштирокчилари фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Юртимизда амалга ошириладиган кенг камровли ислоҳотлар ва сугурта соҳасида давлат монополиясининг бекор килиниши Сугурта хизматлари бозорининг шаклланиши учун катта кулайлик яратганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Айниска мамлакатимизда ижтимоий ҳимояни таъминлашда ҳаёт сугуртасининг ўрни бекиёс хисобланади. Ҳаёт сугуртаси ўзда ҳам ҳимоя ва инвестициянинг элементларни мужассам этган ягона

сугурта тури хисобланади. Ҳаёт сугуртаси давлат таъминлаши керак бўлган муайян эҳтиёжалани кондиришни ҳал киувчи рол ўйнайди. Кексалик, карилик ва умумий ногиронлик билан боғлиқ маълум молиявий харажатларни таъминлашда ҳаёт сугуртаси ўзининг мунособ ўрнига эга. Бирок сугурта фаолияти қонунчилигига маълум бир ўзгаришларнинг киритилиши бу соҳанинг кўрсаткичларини кескин тушшиб кетишига олиб келди. Ҳаёт сугуртасининг иқтисодий моҳиятини хисобга олган ҳолда, ушбу мавзууда турли изланишлар ва тадқиқодлар олиб борилиши керак эканлиги кўриниб турди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature review, Анализ литературы).

А.Темиркулов томонидан тайёрланган “Ҳаёт сугуртанинг ривожланишида хорижий тажриба ва уни Ўзбекистонда ривожлантиришганинг зарурити” номли мақоласида Ҳаётни сугурталашнинг жамғарип бориладиган турлари ҳаётдаги турли рискларни олдини олишдаги ўзгармас сугурта тури эканлигини таъкидланган[1]. М.Бекберганов ва А.Икромовларнинг “Ўзбекистонда ҳаёт сугуртаси соҳасининг хозирги ҳолати ва унинг ривожланиши йўлларига” номли мақоласида Ҳаёт сугуртаси инсоният ҳаётидаги муҳим ўрин тутивчи сугурта турларидан бири бўлиб, унинг ЯИМ даги улуши жуда ҳам кам миқдорни ташкил қиласди бу миқдорни кўтариш учун мамлакатда хорижий давлатларнинг тажрибасидан фойдаланиб, ривожланиш талаб этилади деб этироф этган[2]. О.Юлдашевнинг “Ҳаёт сугуртасида таъриф сиёсатини тақомиллаштириш йўллари” номли мақоласида Ҳаёт сугуртаси узқ муддатли инвестицияларни молиялаштиришининг асосий манбалардан бири бўлиб, мамлакатлар иқтисодиёти таракиётининг хозирги боскичда энг муҳим инструментлардан бири хисобланади[3]. Д.Абдувалиевнинг “Ҳаёт сугуртасининг долзарб масалалари” номли мақоласида Ҳаёт сугуртаси мамлакат аҳолисининг ижтимоий ҳимоясини ташкил қилишида муҳим йўналишлардан бири хисобланади. Шунинг учун бу фаолиятини ривожлантириш учун ҳаёт сугуртаси бўйича агентлик фаолиятини ривожлантириш керак бўлади деб айтиб ўтган [4]. М.Султонованинг “Ҳаёт сугуртаси моҳияти ва зарурити” номли мақоласида “Ҳаётни сугурталаш жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий эҳтиёжларини амалага оширишнинг муҳим воситалардан биридир” деб этироф этган [5].

Тадқиқотни амалга оширишда фойдаланилган усуллар (Methods/Методы).

Тадқиқотни амалга оширишда кўйилган мақсадларни амалга оширишда мантикий ва таркибий таҳлил қилиш, гурухлаштириш, иктиносий-статистик таҳлил, ўзаро ва киёсий таккослаш усулларидан самарали фойдаланилди.

Олинган натижалар (Results/Результаты). Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Ўзбекистон сугурта бозорида хаёт сугуртасининг ўрни хизирги ривожланиб келётган мамлакатлар даражасига этиш учун муҳим таклифлар ишлаб чиқилди. Шу билан бирга, бозорида хаёт сугуртасининг ривожланишига тўсик бўлаётган ҳолатлар уларни бартараф этиш йўллари асослаб берилган.

Тахлиллар (Analysis/Анализ).

Мамлакатимиз сугурта бозорида 38та сугурта ташкилоти фаолият юритиб, уларнинг 7та си хаёт сугуртасига ихтинослаштирилган. Улар иктиносидётнинг турли тармоқларига ихтинослашгани билан ўзига хосдир. Аҳамиятли жиҳати, сугурта муносабатларида катишувчи томонларнинг қонуний манфаатларини химоялаш масадида сугурта хизматлари давлат томонидан тартибиға солинади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 октябрдаги “Сугурта бозорини ракамлаштириши ва хаёт сугуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”га карорига биноан 2022 йилнинг 1 июнидан бошлаб, барча турдаги сугурта полисларини интернет орқали онлайн ҳарид қилиш имкониятлари яратилиши лозимлиги белгиланган. Ушбу тизимнинг 2022 йил кўрсаткичларига кўра, жами сугурта мукофотлари ҳажми 6,2 триллион сўмни ташкил этган. Унинг 76 фоизи умумий сугурта, 24 фоизи esa хаёт сугуртасига тўғри келади. Умумий сугурта мукофотларининг 10 фоизи мажбурий сугурта бадаллари хисобига шаклланган, колган 90 фоизи ихтиёрий сугурта мукофотларининг улудидир. 2021 йилда ушбу кўрсаткичлар мос равищда 16 фоиз ва 84 фоизни ташкил этган. Ушбу ракамлар мамлакатимизда ихтиёрий сугурта класслари оммаболлиги ошиб бораётганидан далолат беради. Шундай бўлсада, Ўзбекистонда хаёт сугуртаси бўйича мукофотлар ҳажми ЯИМ нинг 0,17 фоизини ташкил этади. Бу esa киши бошига ўртacha 3,91 доллардан тўғри келишини билдиради. Такъослайдиган бўлсак, бу кўрсаткич Қозогистонда 31,24 долларга, Туркияда esa 21,85 долларга етади. Умумий сугурта мукофотлари ҳажми ЯИМ нинг 0,52 фоизини ташкил этади ва киши бошига ўртacha 12,1 доллардан тўғри келади. Ушбу кўрсаткич Қозогистонда 58,5 долларни, Туркияда 119,7 долларни ташкил килиади. Бахтсиз ходисалар ва тибий сугурта мукофотлари ҳажми ЯИМ нинг 0,01 фоизини ташкил килиди ва киши бошига ўртacha 0,28 доллардан тўғри келади. Ушбу кўрсаткич Қозогистонда 10,1 долларга, Туркияда 24,5 долларга тенг. Бу esa ушбу сугурта классларини ривожлантиришга алоҳида ёътибор бериш лозимлигидан далолат беради [6].

Иктиносидёт ва молиз вазириягининг «Фуқаролар учун бюджет – 2023» нашрида 2023 йил 1 апрелдан солик тўловчиликарнинг иш ҳаки ва бошқа даромадларининг хаётни узок муддатли сугурталаш учун йўналтириладиган кисми бўйича жисмоний шахслардан олинидиган даромад солиги бўйича имтиёз бекор бўлди[7].

1- жадвал

Ўзбекистон сугурта бозорида хаёт сугуртаси тармоги кўрсаткичларига^[8]

Сугурта хизматларининг турлари	Сугурта мукофотлари			Сугурта тўловлари			Сугурта жавобгарлиги		
	2022	2023	%	2022	2023	%	2022	2023	%
Классининг номи:	1,497,912	248,820	-83.4%	1,488,812	427,881	-71.3%	1,193,355	354,835	-70.3%
Хаёт ва иктиносидёт	520,350	146,120	-71.9%	512,603	303,182	-40.9%	800,351	182,714	-77.2%
Нижом ва туттиши	1	1	-57.1%	29	3	-89.9%	21	-	100.0%
Хаётни узок муддатли сугурталаш	976,648	100,771	-89.7%	976,179	124,696	-87.2%	290,288	104,279	-64.1%
Сотилим ўзгурунча	25	-	-100.0%	-	-	0%	27,000	-	100.0%
Мажбуриятларини ташмийлаш учун хаётни сугурталаш	-	-	0%	-	-	0%	-	-	0%
Узок муддатли иктиёрий пенсия сугуртаси	-	-	0%	-	-	0%	-	-	0%
Капиталин кайтариш билан хаётни сугурта килиши	-	-	0%	-	-	0%	-	-	0%

Сугурта бозоридаги бу ўзгариш хаёт сугуртаси бўйича сугурта мукофотларининг кўрсаткичи тушиб кетишига олиб келди. 2023 йил кўрсаткичларига кўра, жами сугурта мукофотлари ҳажми 8 триллион сўмни ташкил этган. Унинг 96 фоизи умумий сугурта, 4 фоизи esa хаёт сугуртаси хисасига тўғри келади. Хаёт сугурта тармоги бўйича

талаблар камайиб кетиб, сугурта тушумлари кескин тушиб кетди (1 жадвал).

Жадвал маълумотларига кўра, хаёт сугуртаси класслари бўйича деярли сугурта мукофотлари келиб тушмаган. Хаёт сугуртасига доир бўлган 1 класс ва 3 класс бўйича келиб сугурта мукофотлари 2022 йилга нисбатан 2023 йил даги тушум 83 фоизга тушиб кетган. Сугурта тўловлари 71 фоиз ва сугурта жавобгарлиги 70 фоизга тушиб кетган. Бунга асосий сабаб хаёт сугуртаси бўйича берилган солик имтиёзи бекор бўлиши ва бу сугурта маҳсулотларининг жозибадорлиги йўқолганингдан далолат беради. Хаёт сугуртасидан фойдаланадиган сугурталанувчиларни узоқ муддатли хаёт сугуртасига йўналтирилиши инфляция хисобидан кадрсизланиши ушбу сугурта турининг жозибадорлигига таъсир қилувчи омиллардан бири хисобланади.

Мақола бўйича хуласа ва таклифлар (Conclusions/Заключения).

Юкорида келтириб ўтилган фикрларни инобатга олган ҳолда, миллий ва хорижий тажрибалар асосида мамлакатимиз хаёт сугуртаси хизматлари бозорининг ривожланиши тенденсиялари ва истиқболларига баҳо бериш, хаёт сугуртаси соҳасининг ривожланишига таъсир этувчи омилларни ва уларнинг таъсир даржасини аниқлаш, хаёт сугуртасини ривожлантириш билан боғлик фундаментал муммаларни топиш ҳамда уларни ҳал этишига каратилган таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқиши буғунги кун тартибида энг долзарб масала эканлиги шубҳасизdir. [9], [10]

Ўзбекистон сугуртаси бозорида Хаёт сугуртасига бўлган талабнинг юкоридағи жадваллар кўришимиз мумкини, шартномалар бўйича ҳам, сугурта мукофотларининг тушумлари бўйича ҳам тўловлар мажбуриятлар бўйича ҳам 2023-йилга кўра компаниялар фаолият ютишмаган. Деярли натижака кўрсатишмаган барча кўрсаткичлар олдинги йилларга нисбатан салбий ҳолатида яъни компанияларнинг мана шу фаолият бўйича 0 натижага эга эканлигини кўриб турибмиз. Бу ҳолат натижасида сугурта бозорида хаёт сугуртасининг бутунлай йўқолиб кетишига ва бу ўзининг жозибадорлигини йўқотишига олиб келмокда. [11] Хаёт сугуртасининг умумий хусусиятини бозордан йўқолиб кетишига олиб келади. Шу билан бирга компания ҳодимлари ўша жода ишлайдиган ҳодимларни иш билан таъминлаш бўйича ҳам компаниялар маълум бир етакчилик килиб келмокда эди. Бу имтиёзининг йўқолиши сугурта бозоридаги ҳодимларнинг ишсизлигига олиб келишига ҳам сабаб бўлиб келмокда. Ва давлат томонидан ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган аҳолига бўлган ҳаражатларининг сугурта компанияларининг ёрдамисиз амалга оширишига тўлақонли шаронт яратилаётгандиги ва бу инсонларни ўлим ҳолати келганда моддий ёрдам шакллантириш факат давлат ва давлатга тегишли бўлган идора ва ташкилотларнинг зиммасида колиб кетаётгандигига тўғри келади. Яъни давлат ижтимоий ёрдам химоясини янада кучайтириши компанияларнинг ёрдамидан фойдаланмаган ҳолда амалга оширайти. Ва яна шу билан бирга хаёт сугурта компаниялари шакллантирилган сугурта резервлари хисобидан яъни хаёт сугуртаси бўйича келиб тушадиган сугурта мукофотларидан шакллантирган резервлар Ўзбекистон Республикаси ички инвестицияларни шакллантиришга ёрдам берар эди. Бу ҳолат деярли йўқолиб бормокда. Бунинг натижаси шуни кўрсатадики компаниялар умумий сугуртага доир бўлган биринчи ва иккинчи класс бўйича фаолият кўрсатиш билан кифояланиб келмокда. Шу билан бирга 108-карорга кўра иш берувчининг жавобгарлик сугуртаси хаёт сугуртасига иктиёрига ўтиш яъни сугурта маҳсулотини амалга оширишга бўлган рухсатни тегиши бу ҳам бариб умумий сугурта механизимига тегишли бўлгани ва хаёт сугурта компаниялари хаёт сугуртаси тармогида эмас балки, компаниялар тўлақоли умумий сугурта компанияларни тармоги асосида фаолият олиб борадиган компанияларга айланаб бормокда. Бунинг натижасида хаёт сугуртаси бутунлай йўқ бўлиб кетишига олиб келади. Олиб борган тадқиқотимиз натижасида кўйдаги таклифларни келтириб ўтамиш.

1. Хаёт сугуртаси билан боғлик имтиёзларни тиклаш.

2. Хаёт сугуртаси билан боғлик шартномаларнинг элестрон платформа асосида назорат килиши.

3. Давлат даромад солигининг келиб тушаслиги натижасида зарар кўрмаслиги учун жисмоний шахсларнинг олаётган ойлик

моашларининг ҳаёт сугуртасига йўналтирадиган қисмига чекловлар кўйиш.

4. Ҳаёт сугурта компанияларининг инвестицион обектларини кенгайтириш яъни юкори даромад берувчи обьектларга пул маблагларининг йўналтирилишини кенг йўлга кўйиш.

5. Ахолининг турмуш даражасини янада ошириш максадида, инфляция

омилларидан ҳимоя киладиган узок муддатли пенсия сугуртасини ривожлантириш;

6. Ҳаёт сугуртаси компанияларининг тижорат банклари билан хамкорликда ҳаёт сугуртаси маҳсулотларини ахоли орасида кенг тарғиб этиш механизмларини жорий этиш

Юқоридаги таклифларни амалиётга жорий этишимиз ҳаёт сугуртасини ривожлантиришга самарали таъсири кўрсатиши мумкин. Ҳаёт сугуртасини ривожлантириш ахолининг барча қатламларини ижтимоий ахволини яхшилаш ва давлат ижтимоий ҳимояси билан боғлик харажатларнинг камайишига олиб келади. Ҳаёт сугуртаси бўйича келиб тушадиган сугурта мукофотларининг ҳажминиг кенгайиши давлат ички инвестицияларининг ҳажми кенгайишига олиб келади.

References:

- 1 . А.Темиркулов “Янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга оширишда сугурта фаолиятини ривожлантириш истиқболлари” номли халқаро илмий-амалий конференция Тошкент 2022 йил 27 июн
- 2 . М.Бекберганов ва А.Икромов “Янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга оширишда сугурта фаолиятини ривожлантириш истиқболлари” номли халқаро илмий-амалий конференция Тошкент 2022 йил 27 июн
- 3 . О.Юлдашев “Янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга оширишда сугурта фаолиятини ривожлантириш истиқболлари” номли халқаро илмий-амалий конференция Тошкент 2022 йил 27 июн
- 4 . Д.Абдувалиев “Янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга оширишда сугурта фаолиятини ривожлантириш истиқболлари” номли халқаро илмий-амалий конференция Тошкент 2022 йил 27 июн
- 5 . М.Султонова “Янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга оширишда сугурта фаолиятини ривожлантириш истиқболлари” номли халқаро илмий-амалий конференция Тошкент 2022 йил 27 июн
- 6 . Ўзбекистон республикаси истиқболли лойиҳалар миллӣ агентлиги расмий сайти <https://napp.uz/ru/pages/malumot>
- 7 . Иктисадиёт ва молия вазирлигининг «Фуқаролар учун бюджет – 2023» нашрида 2023 йил 1 апрел
- 8 . Ўзбекистон республикаси истиқболли лойиҳалар миллӣ агентлиги расмий сайти <https://napp.uz/ru/pages/malumot>
- 9 . Valiyeva, S. O'ZBEKISTONDA INVESTITSIYA LOYIHALARI SAMARASINI OSHIRISHDA INVESTITSIYA MUHITINI YAXSHILASH YO'LLARI. Страховой рынок Узбекистана, 1(6), 27–30. извлечено от <https://insurance.tsue.uz/index.php/journal/article/view/96>
- 10 . Абдулазизова, У. (2023). АНАЛИЗ КОНКУРЕНТНОЙ СРЕДЫ НА РЫНКЕ СТРАХОВЫХ УСЛУГ УЗБЕКИСТАНА . Страховой рынок Узбекистана, 1(5), 17–19. извлечено от <https://insurance.tsue.uz/index.php/journal/article/view/74>
- 11 . Baratova, D., & Olmosova, M. (2023). SUG'URTALOVCHILARNING INVESTITSION FAOLIYATINI BAHOLASHUDA XITOY TAJRIBASI. Страховой рынок Узбекистана, 1(4), 35–38. извлечено от <https://insurance.tsue.uz/index.php/journal/article/view/67..>